O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 9 август ЧОРШАНБА

№ 62 (11.865)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Бекобод шаҳри:

ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧДИ

1. ЙИЛЛАР ВА ОДИМЛАР

Бугун мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини бир қур айланиб, улардаги ўзгариш ҳамда янгиланишлар кўлами билан яқинроқ танишсангиз, қай соҳада бўлмасин, ислоҳотларнинг ўзак негизида Истиқлол ва унинг беназир эрку саодати мужассам эканлигига, бу мўътабар неъмат халқимизнинг чинакам асрий орзуси, айни вақтда, тарихий ютуғи бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Юртимизнинг тарихан қисқа — 15 йиллик дадил одимлари билан аслида асрларга татигулик ютуқлар, оламшумул муўжизаларга эришиб улгурганимиздан фахру ифтихор туясиз.

Буни айниқса, вилоятимизнинг жадал ривожланган йирик саноат шаҳарларидан бўлмиш Бекобод мисолида яққолроқ кўриш мумкин. Дарҳақиқат, ўтган йиллар шаҳар ҳаётида ўчмас из қолдирди. Унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, одамларининг турмуш тарзидан тортиб, онгу шуури, тафаккури буткул ўзгарди, янгиланди. Хусусан, янги қурилишлар, кенг қамровли бунёдкорлик ишлари ҳудуд кўрку таровати, файзу чиройига монанд пурвиқорлик касб этган бўлса, кундалик ҳаётнинг кўплаб жабҳаларидаги ислоҳотлар, барқарор салоҳият Бекобод аҳлининг фаровон ҳаёти, тўкин турмушининг мустаҳкам омили бўлаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ҳозир шаҳардаги 30 та маҳаллада 85600 дан ортиқ турли миллат аҳли тинч-тотув, ўзаро ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилмоқда. Бекободликлар ҳамиша ўзларининг меҳнатсеварлиги, омилкорлиги, изланиш, интилиш ва ташаббус кўрсатишга мойилликлари билан ҳақли равишда фахрланиб келадилар. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида меҳнат қилиб келаётган 32 мингдан ортиқ кишининг 13 минг нафардан зиёди саноат тармоғида эканлиги ҳам бу ҳудудда иқтисодиётнинг бош бўғинларидан ҳисобланган ишлаб чиқариш тизимининг нақадар кенг қулоч ёйгани, дадил ривожтопаётганидан далолатдир. Ҳеч шубҳасиз, меҳнат билан банд аҳолининг энг кўп қисми «Ўзбекистон металлургия комбинати», «Бекободцемент» каби нафақат шаҳар ёки вилоятимиз, балки мамлакатимиз, қолаверса, ҳамдўстлик давлатларида ҳам довруқ қозонган йирик саноат тузилмалари ҳиссасига тўғри келади.

— Мустақиллик нафақат шаҳримиз ҳаётинг, балки ҳар бир бекободликнинг тақдирида кескин бурилиш, таъбир жоиз бўлса, мўъжиза яратди, — дейди шаҳар ҳокими Абдураҳмат Бўриев. — Буни шаҳримизнинг бугунги шуҳрати ва имкониятлари ҳамда аҳолимизнинг тобора фаровонлашиб бораётган турмушида кўриш мумкин. Ҳозир ҳар бир инсон нима учун ишлаётганини яхши билади, қилаётган меҳнати, касбу кори ортидан элда обрў топиши, муносиб қадрланишини ҳис қилиб яшайди.

Дарҳақиқат, бу ерда ким билан ҳамсуҳбат бўлманг, мудом бир ишнинг уддасини излаб ёнаётгани, олтинга тенг вақтини қадрлаб, кўпроқ нарсаларга улгуриш, изланиш ва интилиш, яратувчанлик сари ошиқаётганига гувоҳ бўласиз. Аввалари ҳам шундаймиди?

Айтайлик, ўша вақтларда (истиқлолдан аввал) ҳам «машъал» ҳисобланган металл комбинатининг оддий ишчиси тинимсиз меҳнати, пешона тери эвазига бугунгидек қадр-қиммат, манфаат кўрганми? Шундай ҳам дейлик, у ҳолда бу даргоҳда узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари комбинатнинг бугунги оддий ишчиси, унинг ижтимоий муҳофазаси учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятларни кўриб тўлқинланишлари, ҳавас қилишларининг боиси нима экан?

— Маҳалламиз аслида металлурглар макони, — дейди Йўлдош Оҳунбобоев номли маҳалла раиси Ҳайитбой Ёрматов. — Ҳудудимиз аҳлининг аксарияти шаҳримиз фахри ҳисобланган комбинатда ишлаётганлар ва шу ердан пенсияга чиққанлардир. Шунинг учун ҳам, минг шукрки, маҳалламизда ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар йўқ ҳисоби. Биз бундан ҳамиша фахрланамиз ва элни боқаётган комбинат янада гуллаб-яшнашига, эртанги турмушимиз бунданда фаровонлашувига ишонамиз.

Сирасини айтганда, шаҳарда саноат қаторида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчи тузилмалар эътибор ва рағбат кўраётгани иқтисодий ривожланишга таянч бўлмоқда. Ҳозир бу ерда 655 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият юритмоқда. Шу жумладан, 4 та хорижий сармояли қўшма корхона мавжуд. Ярим йилнинг ўзида яна 63 та тадбиркорлик субъектларининг рўйхатга олингани шаҳарда мазкур сектор қамрови тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Бугунгача тармоқ корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан қарийб 1 миллиард сўм кредит берилди. Натижада яна 450 га яқин киши янги очилган ўринлар ҳисобига ишга жойлашди.

Умуман, шаҳарда бундай аниқ мақсад ва режалар, истиқболни кўзловчи вазифалар ижроси ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Кўп бора таъкидланаётганидек, мавжуд имкониятлардан самарали, оқилона фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилиб турибди. Зеро, мустақиллик ички имкониятларимиздан элюрт манфаатлари йўлида эмин-эркин фойдаланиш тўсиқларини парчалади. Бекободлик оқсоқол Эргаш Аҳмедов айтмоқчи, энди асосий гап ўз меҳнатимиз, фаоллигимиз, изланиш ва интилишимизда қолди.



СУРАТЛАРДА: *янги ўқув йилига тахт қилинган 12-умумтаълим мактаби биноси; Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла оқсоқоли Ҳайитбой Ёрматов (ўнгдан иккинчи) маҳалладаги ҳар бир масалани фаоллар билан муҳокама қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш, республика истеъмолчиларига табиий газни етказиб бериш ва сотиш бўйича самарали бошқарув тизимини яратиш, шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва газ учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг:

ҳудудий газтаъминоти корхоналарини (бундан кейин ҲГК деб аталади) "Ўзкоммунхизмат" агентлиги таркибидан "Ўзбекнефтгаз" МХКга қарашли "Ўзтрансгаз" АК таркибига ўтказиш;

барча тоифадаги истеъмолчиларни газ билан таъминлаш учун ҲГК негизида "Ўзтрансгаз" АК нинг унитар корхоналари шаклида 6 та ҳудудлараро корхона ташкил этиш орқали республика истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш ва сотиш бўйича ягона технологик тизимни яратиш;

ҳудудлараро газ таъминоти корхоналарига "Ўзтрансгаз" АК шартнома топшириғи асосида газ тақсимлаш тармоқларини ишлатиш ва табиий газни сотиш бўйича ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. "Ўзтрансгаз" АКнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, ер ости газ омборлари, газ тақсимлаш тармоқлари ва ускуналарини ишлатишда хавфсизлик қоидаларининг меъёрий талабларига амал қилган ҳолда республика истеъмолчиларини белгиланган тартибда табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида ягона техник сиёсатни олиб бориш, бунда уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни ҳисобга олиш ҳамда табиий газни ташиш технологияси ва гидравлик балансига риоя этиш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида табиий газдан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

замонавий ҳисоблаш жиҳозлари ва усулларини жорий этган ҳолда сотилган газ қатъий ҳисоб-китоб қилиниши ва тушумнинг тўлиқ топширилишини таъминлаш, табиий газнинг исроф қилиниши ва асоссиз ишлатилишини камайтириш чораларини кўриш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газни ўғирлаш ҳолларининг олдини олиш ва қонунчиликка мувофиқ равишда бартараф этиш;

экспортга табиий газ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва уни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш.

3. Қуйидагилар:

"Ўзтрансгаз" АК нинг ташкилий тузилмаси ва ижро аппарати тузилмаси, ходимларнинг умумий сони 157 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари 109 бирлик сифатида 1, 1а ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

"Ўзтрансгаз" акционерлик компаниясининг ҳудудлараро унитар корхоналари ва ҳудудлараро унитар корхонанинг туман (шаҳар) бўлимлари намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсин:

"Ўзтрансгаз" АК "Ўзкоммунхизмат" агентлиги томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишида тузилган шартнома ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

"Ўзтрансгаз" АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналари ҲГК шартнома ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Идоралараро комиссия таркиби ва Ўзбекистон Республикасида газ таъминоти тизимини қайта ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар 5 ва 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Идоралараро комиссия (Э.Р.Шоисматов) "Ўзбекнефтгаз" МХК ва "Ўзтрансгаз" АК билан биргаликда:

икки ой муддатда ҳудудий газтаъминоти корхоналарининг қабул қилинган мол-мулкини 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра инвентаризациядан ўтказсин ва қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоласин;

2006 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ҲГК ни қайта ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин ва уларнинг негизида "Ўзтрансгаз" АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналарини ташкил этсин;

ҲГК қайта ташкил этилаётган даврда табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилиши, белгиланган техник ва ёнғин хавфсизлиги нормаларига риоя этилишини таъминласин;

"Ўзтрансгаз" АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналарини юқори малакали кадрлар билан таъминласин.

7. "Ўзбекнефтгаз" МХК, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва "Ипотекабанк" АТИБ билан биргаликда бир ой муддатда "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг хорижий кредитлар ва Ҳукумат қарорларига кўра берилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кредитлари бўйича қарз мажбуриятлари юзасидан кредит ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида кўрсатилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси кафолатига тегишли қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ҲГК нинг берилаётган мулки "Ўзтрансгаз" АК нинг солиқларини ҳисоблашда солиқ базасига қўшилмайди.

9. "Ўзтрансгаз" АК ва унинг бўлинмалари "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ҲГК нинг берилаётган автотранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганда Республика йўл жамғармасига йиғимларни тўлашдан, шунингдек, етказиб берилган табиий газ учун қарзни ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқиладиган даъво аризалари бўйича олдиндан давлат божини тўлашдан озод қилинсин, давлат божи айбдор томондан ундирилсин.

10. "Ўзбекнефтгаз" МХК ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 8 август.

САЙЁР ЙИҒИЛИШЛАР БОШЛАНДИ

Вилоят ҳудудида, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўловчилар ташишни йўлга қўйиш ва йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендердан ўтказишни ташкил қилиш бўйича вилоят комиссияси шаҳар ва туманларда ўзининг сайёр йиғилишларини ўтказа бошлади. Унинг дастлабкиси Ангрен шаҳрида бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ҳокимлигининг транспорт бўлими томонидан соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг ижроси муҳокама этилди. Жумладан, хусусий йўловчи ташувчиларни юридик мақомга эга уюшмаларга бириктиришда ҳамон сансалорликларга, мавжуд уюшмаларда эса ишни ташкил этишда қатор нуқсонларга йўл қўйилаётгани, шаҳар ичида автобус қатновининг анча издан чиққанлиги ва бошқа камчиликлар кескин танқид қилинди.

Шунингдек, комиссия аъзолари томонидан Ангрен-Оҳангарон-Тошкент йўналишида йўловчи ташиш билан шуғулланаётган транспортлар фаолияти ўрганилганда, уларнинг аксариятида тегишли ҳужжатларнинг йўқлиги, ноқонуний ишлаётгани аниқланди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Касаба уюшмалари ва давр

ФАОЛ ВА ОММАВИЙ КУЧ

Ҳар бир кун бизни ҳаётимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига яқинлаштирмоқда. Бу буюк байрамга мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда мутлақо янги қиёфа, янги орзу-истаклар ва ўзининг буюк келажагини барпо этишнинг янгича, ўзига хос ва мос модели билан бораётир.

Ўзбекистоннинг асосий қонуни — Конституция фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини белгилаб беради. У ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади ҳамда ҳимоя қилади, бу касаба уюшмаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақомининг негизи ҳисобланади. Касаба уюшмалари меҳнат аҳли манфаатлари йўлида фақат Конституция, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, бошқа қонуний ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқий майдонда иш кўрадилар.

Касаба уюшмалари мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширила бошланган ислоҳотларни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини қўллаб-қувватладилар. Айни шу босқичда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилинди.

Жамиятда шакллана бошлаган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, хилма-хил мулкчилик шароитида миллий қадриятларимизни ва маънавиятимизни тиклаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш асосида уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш меҳнаткашларнинг мана шу энг оммавий ташкилотлари фаолиятининг етакчи йўналишига айланди.

(Давоми 3-бетда).

ТЎЙ ТЎЁНАСИ БИЛАН

Паркент туманида янги ўқув йили олдидан иккита спорт иншооти жадал суръатда реконструкция қилинмоқда.

Бу ишлар учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 15 га яқин спорт залларида таъмирлаш ишлари якунланиб, Мустақиллигимизнинг 15 йиллик шодиёнасига тахт қилиб қўйилди.

Акбар АЛИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ИСТИРОҲАТ БОҒИ МАДАДГА МУҲТОЖ»

Газетанинг 19 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Янгийўлдаги «Навоий гулшани» истироҳат боғидаги ачинарли ҳолат тасвирланган эди.

Хусусан, бугунги кунда боғнинг эгасиз ва қаровсиз қолганлиги, у ердаги маданий-маиший биноларнинг хароба ҳолатдалиги, дарахтлар деярли қуриш даражасига келганлиги, ҳудуд чиқиндихонага айланганлиги ва бошқа қатор ҳолатлар муаллиф томонидан куюнчаклик билан баён қилинганди. Ушбу мақола юзасидан вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Абдуназаров имзоси билан жавоб хати олинди.

Жумладан унда шундай дейилади: «Саиджон Кабировнинг газетада чоп этилган «Истироҳат боғи мададга муҳтож» сарлавҳали мақоласи вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 27 июлдаги кенгаш йиғилишида муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Айни кунда боғ ҳудудини ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Боғни суғориш тизими таъмирдан чиқарилди. Майдончалар ва гулхоналар тартибга келтирилмоқда. Аттракционларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Боғ Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллик байрами тантаналарига қадар дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун шай ҳолатга келтирилади».

Мустақилликнинг 15 йиллигига

2. ШАҲАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧЛАРИ

Бекобод шаҳри: ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧДИ

Бекобод деганда махсус корхоналари қиёфаларига улуғворлик бахш этган, юзқўллари улкан печлар ёнида обдон тобланган металлурглар кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, уларга Бекободнинг оғир саноатини бекиёс ривожлантириб, шаҳар довруғини бутун мамлакатга таратган «темир одамлар», дея таъриф берилиши бежиз эмас.



СУРАТЛАРДА: «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти хом ашё цехи ходимлари Ҳумониса Кенжаева ва Баҳром Юсупов иш жараёнларини кузатишмоқда; «Меваларимизнинг сараси шаҳарликларга», дейди деҳқон бозорида савдо қилаётган бекободлик боғбон Лола Абдуллаева; Металлургия комбинати механиги Баҳодир Эшматов ва катта чилангар Ҳасанбой Сатторов жамоа илғорларидан ҳисобланишади.

Дарҳақиқат, бундан 62 йил илгари чўл ўртасида Ўзбекистон металлургия комбинати қурилиши муносабати билан қад ростлай бошлаган шаҳарча бугун Ўзбекистоннинг энг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Бекобод айниқса, мустақиллик йилларида ўз қиёфасини бутунлай ўзгартирди.

Бугун шаҳарда қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари барқарор ишлаб турибди. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Бекободцемент», «Бекободцемтаъмир» ҳиссадорлик жамиятларида ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда қарийб тенг баравар ўсди.

«Ўзметкомбинат» корхонасида 2005 йилда қарийб 230 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 594 минг тонна пўлат, 562 минг 167 тонна металл прокат харидорларга сотилди. Бу эса 2004 йилга нисбатан 12 минг тона кўп демакдир. Булардан ташқари ишлаб чиқарилаётган темир соқаларнинг ҳам йилдан-йилга харидорлари кўпайиб бормоқда. Ўтган йили ушбу маҳсулот туридан 135 минг 400 тонна ишлаб чиқарилди. Шунингдек, халқ истеъмоли моллари етказиб беришда ҳам корхона пешқадам ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган турли хил ва ҳажмдаги сирли идишлар сифат жиҳатдан анча ҳаридоргир. 2005 йилда ана шундай халқ истеъмоли молларидан 4 миллиард 40 миллион сўмлиги бозорга чиқарилди.

— Агар охирги ўтган ўн йилга назар ташласак, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш билан бирга, маҳсулот турлари ҳам 7 тага кўпайди, — дейди корхона бош иқтисодчиси Каримжон Ёқубов. — Умумий маҳсулотнинг қарийб 40 фоизи экспортга жўнатилмоқда. 2005 йилда 80 миллион 248 минг долларлик маҳсулот четга сотилди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий таъминоти ҳам шунга яраша бўлмоқда. Меҳнат қилаётган 9600 ишчининг ўртача ойлик маоши 250-300 минг сўмга тўғри келмоқда.

Комбинат шаҳарнинг гуллаб-яшнаши, тараққий этиши учун ҳам ўзининг салмоқли улушини қўшмоқда. Шу йилнинг ўзида корхона 7 та мактабни реконструкция қилиш, капитал таъмирлашни зиммасига олган.

Шаҳардаги йирик корхоналардан бири «Бекободцемент» акциядорлик жамияти ҳам бугунги кунда иқтисоди барқарор бўлиб, ривожланиш йўлидан бормоқда. Корхонада 2005 йил давомида 500 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил ярим йилликдаги кўрсаткич 280 минг тоннадан ошди. Корхонада шифер ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу тармоқ ҳам йилдан-йилга ривож топиб бормоқда.

2005 йилда корхонага чет эл инвестицияси олиб кирилди. Шундан кейин ишлаб чиқариш суръати ҳам, сифати ҳам ошди.

— «Бекободцемент» вилоятдаги энг биринчи қурилган саноат корхонаси эканлиги ва йил сайин ривожланиб бораётганлиги билан фахрланамиз, — дейди хом ашё цехи бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳабибулла Пирматов. — Шу йил октябрь ойида унинг 80 йиллик тўйини нишонлаймиз.

Корхонанинг ўз оромгоҳи бўлиб, бу йил ишчиларнинг 450 нафар фарзанди шу ерда ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклади.

— Биз ишчилар учун имтиёз ва имкониятлар кўп, — дейди Баҳром Юсупов. — Ишимиз уч сменада ташкил этилган бўлиб, бепул иссиқ овқат билан таъминланганмиз. Ўртача маошимиз ҳам қарийб 130 минг сўм.

— Шаҳримиздаги йирик корхоналарнинг муваффақиятларидан қувонамиз, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Равшан Ортиқов. — Бундан ташқари, аҳоли учун зарур бўлган савдо, пуллик ва маиший хизмат, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик, қурилиш соҳаларидаги олдга силжишлар, шунингдек, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасидаги кенг кўламли саъй-харакатлар самарасини таъкидлаш ҳам ўринлидир.

2006 йилнинг 6 ойи мобайнида мавжуд қурилиш ташкилотлари томонидан шаҳарда 3024,8 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилган бўлса, шу муддат ичида аҳолига 16163,5 миллион сўмлик савдо хизматлари кўрсатилди. Пуллик хизмат ҳажми 3409,3 миллион сўмга тенг бўлди. Бу эса режага нисбатан 119,2 фоиз демакдир. Маиший хизматдаги ўсиш эса 30,3 фоизга етди.

— Шаҳримиздаги ободлик, тўкин-сочинликни бозорларимиздан ҳам кўришингиз мумкин, — дейди деҳқон бозори раҳбари Ғулом Ҳамроқулов. — Бугун деҳқону боғбонларимиз етиштирган мева-сабзавотлар кўзингизни қувнатади. Биз сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиш ва атроф орасталигини сақлаш борасида бозор атрофи ва ичкарисига мингдан зиёд манзарали дарахтлар экдик. Мингга яқин замонавий савдо расталари янгидан қурилди.

Шаҳарда айни кунда 655 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат шаҳар ёки вилоят, балки, мамлакат тараққиёти учун хизмат қилмоқда.

«Elnur» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бугунги кунда бир маромда ишлаб, ривожланиб бормоқда. Корхона 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан қурилиш материаллари, хусусан, лак-бўёқ, полиэтилен, ғишт, шағал, графит, дурадгорлик маҳсулотларидан иборат 30 турдаги бунёдкорлик ашёларини ишлаб чиқаради. Корхона ўз маҳсулотларини асосан аҳолига ва қурилиш ташкилотларига сотади.

— Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди шаҳар савдо-саноат палатаси филиали директори Ҳакимжон Турғунов. — Жумладан, 2004 йилда 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 2005 йилда бу ҳажм 971 миллион сўмга етди. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқорилиги харидорларнинг кўпайишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг эса эҳтиёжга яраша ортишига сабаб бўлмоқда.

Ўтган Сиҳат-саломатлик ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилларида корхона томонидан қатор хайрия тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, шаҳардаги ногиронларга 1 миллионлик ёрдам кўрсатилди, Бекобод тумани «Хос» ширкат хўжалигидаги қишлоқ врачлик пунктини таъмирдан чиқаришни ҳам «Elnur» ўз зиммасига олган.

Шаҳарда бундай ривожланган хусусий корхоналар оз эмас. Шулардан бири бўлган «AZIYA — DESERT» корхонаси ҳали янги бўлишига қарамай, ўзини анча тиклаб олган. Бу ерда асосан миллий ва европа таомлари, ярим қайта ишланган ҳамда қандолат маҳсулотлари тайёрланади.

— Мен илгари шундай катта тадбиркор бўламан деб ўйламагандим, — дейди корхона раҳбари Светлана Хванская. — Истиқлол туфайли ва у берган имкониятлар, қолаверса, юртимиздаги миллатлараро ҳамдўстлик мени ана шундай катта ишларга ундади.

Россиядан келтирилган асбоб-ускуналарда асосан маҳаллий ёшлар меҳнат қилишади.

Шаҳардаги Собир Раҳимов номли маҳаллани корхона ўз оталиғига олган. У ердаги кам таъминланган оилалар тадбиркор ҳимматидан баҳраманд. Қолаверса, умумхалқ байрамлари маҳаллада корхона ҳомийлигида нишонланади.

Тадбиркорнинг айтишича, келгусида иш ўринларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотни хорижга экспорт қилиш режалаштирилган.

Бугун мамнуният билан айтиш мумкинки, истиқлол ҳар бир кишига ана шундай улуғ режаларни олдига қўйишдек имкониятни берди. Ҳар бир инсонни ҳаракат қилишга, ўз келажагини ўзи қуришга ўргатди. Энг асосийси, одамлар онгида шу юрт, шу мулк меники, фарзандларимники деган тушунчани шакллантирди. Истиқлол нечоғли буюк, бебаҳо неъмат эканлигини ўтган 15 йил ҳар жабҳада яққол кўрсатди.

ЯНГИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Қибрай туманидаги аграр-индустриал касб-ҳунар коллежида қишлоқ хўжалиги саноати билан боғлиқ қатор ихтисосликлар бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Чунончи, ветеринария йўналиши бўйича ҳам ёш мутахассисларни ўқитиш чора-тадбирлари кўрилди. Машғулотлар шу ўқув йилидан бошланади. Бунинг учун махсус ўқув дастури тайёрланди. Тажриба майдони ҳам очилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Қарор ва ижро

НАЗОРАТ — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига уч йил бўлаяпти. Шу ўтган давр мобайнида унинг ижросини таъминлаш юзасидан маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Авваламбор, қарорнинг мазмун-моҳияти, ундан кўзланган мақсад ва унинг афзалликлари, барча қулайликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Натижада, халқимизнинг, аҳолининг ушбу қарор билан боғлиқ ишларга нисбатан муносабати бугунги кунда тубдан ўзгарганлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Чиноз тумани Давлат солиқ инспекцияси қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ва назорат қилиш шўъбаси мудири Жаҳонгир Ҳошимов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, уларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у изчил амалга оширилмоқда. Кунлик савдо тушуми инкассация орқали ўз вақтида банк муассасасига топширилиши устидан қатъий назорат олиб борилмоқда. Ушбу қатъий тартиб ва назорат натижаси сифатида шу йил давомида нақд пул тушумига эга бўлган 24 та хўжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказилиб, бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Уларга нисбатан амалдаги қонунлар асосида 8 миллион 646 минг сўм миқдорида жарима қўлланилди.

Назорат-касса машиналарини қўлламаслик, квитанциялар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чекларни бермаслик ҳоллари бўйича йил давомида 7 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар учун уларга 7 миллион 520 минг сўм жарима солинди.

Булардан ташқари, нақд пул тушумини яшириш ва ўз вақтида банкка топширмаслик ҳоллари ҳам доимий назоратда. Шу ҳолат бўйича 10 та хўжалик юритувчи субъект томонидан 780 минг сўм савдо тушуми яширилганлиги аниқланиб, уларга нисбатан яширилган пул миқдорида молиявий жарима қўлланилган. Кирим қилинмаган товарларнинг сотувга қўйилиши юзасидан 5 та хўжалик юритувчи субъектга шу товарлар миқдорида молиявий жарима солинган.

Албатта, бундай чоралар кўрилиши қонунбузарлик ҳолатлари кўпайишининг олдини олади, бу билан фаолият юритаётган хўжалик субъектларида мўътадил вазият юзага келади. Қолаверса, бундай интизомий, молиявий жазо чоралари бошқа хўжалик субъектлари учун маълум даражада сабоқ вазифасини бажариши ҳам сир эмас.

Чиноз тумани соҳа мутахассислари фаолиятининг ибратли томонларидан бири ана шундай қонунбузарликларга нисбатан чора кўриш, назоратнинг узлуксизлигини таъминлашдир. Ана шунда турли хил қонунбузарликлар илдиз отиб, тартиб-интизом бўшашиб кетмайди, аксинча, барча хўжалик юритувчи субъектлар қатъий назоратни ҳис этган ҳолда фаолият юритадилар. Бу эса, ишда самарадорлик ошишига, ҳалол меҳнат қилишга олиб келади.

Бу йил туман давлат солиқ инспекцияси томонидан нақд пул маблағини кўпайтириш, унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида 295 та хўжалик юритувчи субъектда мониторинг-хронометраж ўтказилди. Натижада нақд пул тушуми 6 миллион 148 минг сўмга ошди. Албатта, бу охирги нуқта эмас. Ўйлаймизки, ишлар талаб даражасида ташкил этилган жойда муваффақиятли фаолият юритилади, қарорлар ижроси кўнгилдагидек бўлади.

Бахтиёр АЗИМОВ, вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи.

Мутахассис тавсияси

ҚУЛУПНАЙ ПАРВАРИШЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Вилоятимиз шароитида қулупнай июль ойининг бошидан 15 августгача экилса, келаси йили яхши ҳосил беради. Ҳозирги ғанимат кунлардан унумли фойдаланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ёш боғларнинг орасига қулупнай кўчатини экса, юқори ҳосилдорликка эришиб, қўшимча даромад олишлари мумкин.

Қулупнай кўп йиллик экин бўлиб, суғориладиган ерда 2-4 йилгача ўсиб, ҳар йили ҳосил беради. У аҳоли учун сервитамин неъмат бўлиш билан бирга консерва ва қандолат саноати учун қимматли хом ашёдир. Қулупнайнинг янги узилган хуштаъм ва хушбўй меваси таркибида 4-11 фоизгача қанд, 0,2-1,6 фоиз кислота, 37-130 мг гача «С» витамини, шунингдек, тез ҳазм бўладиган туз, темир, фосфор, калий ва кальций моддалари бор. Шу боис у дориворлик хусусиятига эга. У бошқа мева ва резаворлардан қатор афзалликлари билан ажралиб туради: жуда тез ва тўлиқ ҳосилга киради, мавсумнинг биринчи меваси ҳисобланади.

Айни вақтда мамлакатимизда қулупнайзорларни янада кенгайтириш имкониятлари бор.

Биринчидан, сунъий суғориш, унумдор, кулранг тупроқли майдонларда зарур агротехникага риоя қилиш, янги, серҳосил навларни танлаш лозим. Бу гектаридан камида 10-15 тоннадан ҳосил олиш имконини беради.

Иккинчидан, ҳосилдорликни кўтаришда ер танлаш, тупроқни тайёрлаш, экиш, суғориш ва ўз вақтида ишлов бериш, минерал ва органик ўғитларга тўйинтириш катта аҳамиятга эгадир.

Қулупнай текис, унча нишаб бўлмаган, сув билан яхши таъминланган майдонларга, шунингдек, ёш боғлар орасига экилса кўнгилдагидек ривожланади.

У экиладиган майдон ҳайдалишидан олдин тупроқ унумдорлигига қараб гектарига 40-60 тонна ярим чириган гўнг, 600-1000 килограмм суперфосфат солинади. Сўнгра камида 30 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб, текисланади.

Қулупнай кўчатларини экишда қатор оралари 70, 80, 90 сантиметр, шағалли тупроқларда эса 60 сантиметр қилиб экилади. Бунда 1 гектарга 44,4 мингдан 71,4 минг донагача кўчат сарфланади. Улар қўлда 5-7 сантиметр чуқурликда экилади. Бунда илдизларнинг букланиб ёки учки куртаги тупроқ билан кўмилиб қолишига йўл қўймаслик керак. Кўчатлар юза экилса, илдизлари очилиб қолади ва қурийди, чуқур қилиб кўмилганда ҳам учки куртак тупроқ остида қолиб, тез-тез суғориш натижасида қуриши мумкин.

Қулупнай кўчатини экиш йилнинг иссиқ даврига тўғри келиши боис, дастлаб эгатлар яхшилаб суғорилади. Экиб бўлингач, ҳаво ҳароратига қараб 2-3 кун давомида жилдиратиб сув бериб турилади. Орадан 8-10 кун ўтгач натижа аниқланади — тутмаган айрим кўчатлар ўрнига янгиси экилади.

Кейинги суғоришлар ҳар 8-10 кунда ўтказилиб, ҳаво совий бошлагач, 15-20 кун оралиғида бир маротаба сув берилади. Кўчат ўтказилгандан сўнг 20-30 кун ўтгач биринчи ишлов бошланади. Бунда кўчатлар атрофидаги бегона ўтлар юлиниб, тупроқ қатқалоқлари юмшатилади. Тупроққа ишлов бериш билан бир вақтда азотли ва фосфорли ўғитлар талаб даражасида берилади. Кузда қатор оралари чуқур ҳайдалиб, туп атрофлари кўмма чопиқ қилинади.

Равшан АБДУЛЛАЕВ, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 март куни эълон қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари ни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қишлоқ жойлардаги аҳоли турмушини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

– Вилоятимизда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ҳамда даромадини ошириш, қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Х.Исамуҳамедов. – Маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари билан кам таъминланган хонадонларда бўлиб, уларнинг яшаш шароитини ўргандик. 2076 нафар камхарж оилага соғин сигир берилди. Айни пайтда қорамол боқаётган ушбу оилаларни ем-хашак билан таъминлаш ишлари якунланмоқда.

ЎзА.

ВНИМАНИЕ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

Отдел народного образования Ташкентской области объявляет конкурсные торги (тендер) по объекту:

«Текущий ремонт школ по Ташкентской области»

По лотам:

Лот № 1-1 «Текущий ремонт здания школы № 17 в г. Ангрен Ташкентской области»;

Лот № 1-2 «Текущий ремонт здания школы № 21 в г. Ангрен Ташкентской области»;

Лот № 2 «Текущий ремонт здания школы № 24 в г. Чирчике Ташкентской области»;

Лот № 3-1 «Текущий ремонт здания школы № 3 в поселке «Окковок» Кибрайского района Ташкентской области»;

Лот № 3-2 «Текущий ремонт здания школы № 16 в поселке «Байткурган» Кибрайского района Ташкентской области»;

Лот № 4 «Текущий ремонт здания школы № 19 в ширкатном хозяйстве «Дустлик» Юкоричирчикского района Ташкентской области».

Срок текущих ремонтов — 2 месяца со дня подписания договора подряда;
Строительство будет вестись за счет государственных средств;
Заказчик: отдел народного образования Ташкентской области;
Организатор торгов: Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по г. Ташкенту и Ташкентской области.

Предприятия и организации должны соответствовать следующим условиям : иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на представление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию и строительстве по г. Ташкенту и Ташкентской области, по адресу: г. Ташкент, ул. Абая, 6, комн. 703.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации шестьдесят тысяч сумов.
Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Абая, 6. комн. 703.
Тел.: 144-07-65, 144-12-17 (тел-факс).
Последний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 15, в здании хокимята Ташкентской области.
Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

ФАОЛ ВА ОММАВИЙ КУЧ

Бугун касаба ташкилотлари ишловчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий негизини яна ҳам такомиллаштиришда фаол қатнашаётир.

Ижтимоий шерикчилик, иш берувчилар билан тармоқ битимлари ва жамоа шартномалари меҳнат бозоридаги жараёнларни тартибга солиб, меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олдиришни ташкил этиш, ойлик маошлар ўз вақтида тўланишини таъсирчан ва амалий назорат қилишнинг кучли омиллари бўлиб қолди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг энг йирик бўғини — вилоятимиз касаба ташкилотлари ҳозирги кунда ўз сафларига 500 мингдан зиёд меҳнаткашни бирлаштириб турибди. Бу иқтисодиёт ва маданий қурилишда банд бўлган ишловчиларнинг 80 фоизини ташкил этади. Меҳнат жамоаларида 2 мингдан зиёд бошланғич ташкилотларимиз иш олиб бораётир. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг 94,7 фоизида меҳнат шартномалари қабул қилинган. Тармоқ битимлари ва жамоа шартномалари асосида меҳнаткашлар ўз манфаатларини кўзловчи мингдан ортиқ алоҳида енгилликлар ва имтиёзлардан фойдаланишаётир. Меҳнат таътилларига қўшимча кунлар қўшиб бериш, даволаниш ва дам олиш учун имтиёзлар, ишлаб кетган ва ишлаб турган ходимларни, айниқса, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир.

Даромадларни тақсимлаш, хавфсиз иш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш жараёнларига касаба ташкилотларининг таъсири ортиб бораяпти. Манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан келишув битимлари асосида касаба ташкилотларимиз янги иш жойларини барпо этишда тобора фаол қатнашмоқдалар. Ҳар йили 34-35 минг янги иш жойлари барпо этиляпти. Ёшлар ва аёллар, айниқса, ногиронлар учун янги иш ўринларининг барпо этилиши, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли кафолатланишини назорат қилиш ҳамиша касаба уюшмаларининг диққат марказида.

Касаба ташкилотларининг меҳнат жамоаларидаги нуфузи ортиб бораётганлигини тасдиқловчи мисоллар кўп. Бу, айниқса, меҳнат қонунчилигининг устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ йўналишда яққол намоён бўлаётир. Меҳнаткашлар жиддий муаммоларни ҳал қилиш учун уларга ишонч билан мурожаат қилишаяпти. Ва, табиийки, тегишли амалий ёрдам, мадад ҳам олишмоқда. Шуни айтиш кифояки, сўнгги беш йилнинг ўзида вилоят касаба кенгашимизга 3 мингдан зиёд киши мурожаат қилиб, бузилган ўз ҳуқуқлари тикланишида ёрдам кўрсатишни сўрашди. Ходимларимиз ҳар бир ҳолатда одамларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, адолат қарор топишига ҳаракат қилмоқдалар. Ариза ва мурожаатномаларнинг 80-85 фоизи ижобий ҳал қилинаётгани бунинг далилидир.

Касаба ташкилотларимиз «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури амалга оширилишида фаол иштирок этиб, бу борадаги фаолиятни яна ҳам кенгайтирмоқдалар. Айниқса, меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар, ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аёллар ва болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жамиятни демократик асосларда янгилашда бошқа нодавлат жамоат ташкилотлари қаторида касаба уюшмалари тобора муҳим ўрин тутмоқда. Меҳнаткашларнинг энг оммавий бу ташкилотлари «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» шиори остида мамлакатимиз сиёсий тузумини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этаверадилар, ўз амалий ишлари билан жамиятда барқарорликни, тотувликни қарор топтиришга салмоқли ҳисса қўшаверадилар.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инсон омили

ШАРОИТ ЯХШИ, ДАРОМАД ЮҚОРИ

Хусусий ишлаб чиқариш корхонамиз сўнгги бир ярим йилда 905 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириб, 38 миллион сўм соф фойдага эга бўлди. Ҳар бир ишда тадбиркорлик, ёпиқ ер майдонларининг ҳар қаричидан омилкорлик билан фойдаланиш, янги, илғор агротехника усулларига ўтиш туфайли қисқа даврда ҳосилдорлик икки баробар кўтарилишига эришдик.

Инсон омилини фаоллаштиришга, унинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, меҳнатни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга эътибор кучайганлиги туфайли шундай муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунга касаба қўмитамизнинг таъсири кучайиб бораяпти. Корхона маъмурияти билан тузилган жамоа шартномаси меҳнат унумдорлигини ошириш, янги технологияларга ўтиш асосида ялпи ҳосилни кўпайтиришни назарда тутади. Чунки, даромад кўтарилиб боргани сари ишловчиларнинг иш ҳақи ошиб, бошқа рағбатлантирувчи омиллар ва имтиёзлар пайдо бўлиши яхши маълум. Касаба қўмитамиз шу сабабли ҳосилдорликни кўтариш, арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ишловчиларнинг куч-ғайратини сафарбар этиш ҳаракатида.

Даромад кўпайгани сари ходимларимизнинг турмуш шароитлари яхшиланиб бораяпти. Ҳозирга келиб, ўртача ойлик маош 60 минг сўмга етди. Йил якунида эса, соф фойданинг бир қисми ишловчиларга тақсимланади. Ўтган йили шу мақсадга 3 миллион сўм сарфланди.

Ишчиларимизнинг меҳнат шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу мақсадлар учун тобора кўп маблағ ажратилмоқда. Ҳар йили улар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Улар махсус иш кийимлари, ювиш воситалари олишади. Шу йилнинг ўзида ходимларга 1,35 миллион сўм мукофот пули тарқатилди.

Маълумки, корхонамиз деҳқончилик билан шуғулланадиган 14 гектар майдоннинг 8 гектари — иссиқхона. Бу иш кечакундуз узлуксиз давом этади дегани. Бундай ишлаб чиқаришда банд бўлганлар учун икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Иш шароити, меҳнат даврининг давомийлиги, ёш болалари борлигига қараб 3 кундан 10 кунгача қўшимча таътил берилади. Ходимларимиз навбати билан Хумсон қишлоғидаги хушманзара оромгоҳимизда ҳордиқ чиқаришади. Бир ярим йил ичида етти ходимимизни имтиёзли асосда сиҳатгоҳларда соғломлаштирдик.

Мирзатилла ИХЛОСОВ,
Қибрай туманидаги «Жўра ота» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси касаба қўмитасининг раиси.

УЧ БОСҚИЧЛИ МУҲОФАЗА

Бозор муносабатлари шароитида хавфсиз иш жойларини барпо этиш, техника, ишлаб чиқариш қувватлари ва асбоб-ускуналар, энергетика тизими хавфсизлиги долзарб тус олиши табиий.

Буни биз ҳам бошдан кечирдик. Эски-туски машина-ускуналар кўпинча ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар юз беришига сабаб бўлар, аксарият шундай ҳолларда ишловчилар жароҳатланар, бир умр ногирон бўлиб қоларди.

Ҳозирги шароитда ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш касаба ташкилотлари фаолиятининг етакчи йўналишига айланди. Жамоа шартномалари, техника хавфсизлиги бўйича келишувлар меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларнинг барча кўринишларини қамраб олади.

Касаба қўмитамизнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси ва вакиллари иш жойларининг санитария-гигиена ва экологик ҳолатларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида изчил иш олиб бормоқдалар. Иш жойларининг шаҳодатланганлиги, санитария-маиший хоналарнинг ҳолати, махсус кийим-бош ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланиш даражаси масалалари ҳамиша фаолларимизнинг диққат марказида. Айни пайтда техника хавфсизлиги бўйича ишловчиларнинг ўқишлари ташкил этилиб, машғулотларда асосий эътибор иш пайтлари жароҳатланиш ва касб касалликлари келиб чиқишининг олди олинишига қаратилаётир.

Цехларда 740 дан ортиқ меҳнат муҳофазаси бўйича махсус вакиллар иш олиб бораётир. Улар ялпи текширишларда, иш жойларининг жамоат кўрикларида ҳамиша фаол қатнашишади. Ишлаб чиқариш бўғинларида уч поғонали назорат амалга оширилиши тасодифий ҳолларни олдиндан бартараф этишга ёрдам бераётир. Унинг биринчи ва иккинчи поғоналарига жамоатчи вакиллар кенг жалб қилинади. Учинчи поғона текширувлари комплекс тарзда, мутахассислар ва касаба фаолларининг бевосита иштирокида ўтказилади. Албатта, бир неча йилларидан буён корхонамизнинг ишлаб чиқариш участкалари ёки цехларда бахтсиз ҳодиса содир бўлишига йўл қўйилмаётгани, айни ана шундай изчиллик, қаттиқ назорат оқибатидир.

Яна шуни таъкидламоқчиманки, корхона ишчи-хизматчилари учун даволовчи-парҳез таомлар тайёрланади. Ҳар бир ишчи ҳисобига кунига 1,5 минг сўмлик шундай қўшимча овқат тарқатилади. Бундан ташқари кунига 750 сўм ҳисобида нақд овқатланиш пули ҳам берилади.

Маълумки, ҳозирги пайтда қуруқ даъват, тушунтиришнинг ўзи етарли эмас. Меҳнат муҳофазаси масалаларини ишчанлик билан ҳал этишдан мутахассислар ва касаба фаолларининг манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Участка, цех, завод жамоалари ўртасида техника хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларсиз ишлаш учун кўрик-танловлар эълон қилаётирмиз. Фолиб фаолларимиз энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шундай қилиб, янгича, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ҳам касаба ташкилотларининг мавқеи асло пасаяётгани йўқ. Аксинча, улар ижтимоий шерикчилик асосида ҳаракат қилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётирлар.

Ўрозали ДАДАБОЕВ,
«Олмалиқ конметаллургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раисининг ўринбосари.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

Қўним, тиним билмас давр, ҳар бир кун касаба уюшмалари олдига янги-янги талаблар, вазифалар қўймоқда. Уларни бажариш омилларини излаш, восита ва манбаларини топишга интилиш бизни янги-янги саволларга рўбарў қўяяпти. Давр талабларига жавоб бериш осонмас. Биз мустақил Ўзбекистонимизни келажакда қандай қиёфада кўрмоқчимиз? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Ишимиз, фаолиятимизнинг қайси жиҳатларидан воз кечишимиз лозим? Одамларни руҳлантира оладиган, уларни унчалик оддий бўлмаган ўтиш даврининг муаммоларини сабот билан енгиб ўтишга отлантирувчи қандай иш усулларини изламоқ керак? Биринчи навбатда қандай масалаларни ҳал қилиб олмоғимиз зарур?

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ЖОНКУЯРЛАРИ

Табиийки, бу саволлар ўткинчи, енгил ечимли эмас. Уларга асосли жавоблар топиш, янгиликларни саъй-ҳаракатларимизга сингдириш, унинг фаолларимизнинг тинмай изланишлари туфайли уюшмамизнинг Чирчиқ шаҳар бўғини янги давр талаблари асосида янгилана олди ва ҳозирги кунмезони, қонунига айлантириш осон кечмаётир. Лекин мана шу ниҳоятда мураккаб бир шароитда биз касаба ташкилотларини янгилаб, бозор муносабатлари шароитидаги мавқеини тиклаб, касаба фаолларининг янгича шароитларда ишлашга қобилиятли авлодини тарбиялаб етиштира олдик.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Чирчиқ шаҳар бўғини бунга бир мисол. Шу йиллар мобайнида ташкилотимизда уюшмамиз аъзоларининг мутлақ ишончларини қозонган, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларига оғишмай риоя қилувчи, энг муҳими, одамлар билан ишлашга қобил, жонкуяр ташкилотчи ва ташаббускор етакчилар етишиб чиқди.

Бугун мен шаҳримиздаги 2-, 9-, 11- ва 23-мактаблар касаба қўмиталарининг раислари Холида Мамадалиева, Галина Маркелова, Рихси Султонова ва Мунаввара Зокировани ана шундай фазилатли касаба етакчилари қаторида кўраман. Шулар сингари да тармоқ касаба уюшмасининг таянч ташкилоти даражасига кўтарилди.

Касаба қўмиталари «Таълим тўғрисида»ги Қонун, мамлакатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётирлар. Шаҳар халқ таълими тизимидаги мактабларда 32 бошланғич касаба ташкилоти иш олиб бораётир. Улар ижтимоий шерикчилик асосида ўқитувчилар ва техник ходимлар ойлик иш ҳақини белгиланган кунларда олиб туришлари устидан жиддий назорат ўрнатишган. Меҳнат жамоаларида касбий кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, маданий-маърифий кечалар ўтказиляпти.

Касаба уюшмалари фаолиятида маданий-маърифий, спорт ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу соҳада таълим ходимлари ўртасида ўтказилаётган анъанавий спорт мусобақалари, «Балли, касабақўм», «Йил ўқитувчиси» каби кўрик-танловлар ибратли ишларимиздан биридир. Шу йиллар давомида спортнинг волейбол, баскетбол, кураш, мини-футбол, шахмат-шашка ҳамда стол тенниси сингари турлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб келинди. 3-, 7-, 8-, 9-, 11-, 25-мактаблар жамоалари бу мусобақаларимизда доим фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса, раҳбар ходимлар ўртасидаги мусобақалар жуда қизиқарли ўтади. Бунда халқ таълими бўлими мудири бошчилигида аппарат ходимлари, 3-, 7-, 8-, 15-, 17-мактаблар, 20-болалар боғчаси, касбга йўналтириш маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг раҳбарлари ҳамиша фаол иштирок этадилар.

Касаба ташкилотлари ходимлар ва улар болаларининг ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнгилли ташкил этиш билан бевосита шуғулланмоқдалар. Ҳозиргача мактаблар қошидаги оромгоҳларда 500 нафар бола дам олдирилди. Шаҳардан ташқари оромгоҳларда уларни соғломлаштириш кўлами кенгайди.

Айни пайтда ўқитувчилар учун санаторийларга 20 тадан кўпроқ, дам олиш уйига 10 та имтиёзли йўлланма ажратилди. Маорифчилар учун икки кунлик дам олишни уюштириш яхши натижа бераяпти. Ҳозиргача 70 дан зиёд маорифчи «Сўқоқ» ва «Наврўз» дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришди. Касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан тарихий шаҳарларга экскурсиялар, таниқли санъаткорларнинг концертлари ташкил этилаяпти.

Касаба ташкилотлари жамиятда кечаётган бугунги янгиланиш жараёнларида ўзларининг муносиб ўринларини топиб олдилар. Улар меҳнат аҳлининг ҳақиқий ҳуқуқий ҳимоячиларига, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг фаол иштирокчилари ва жонли, ташаббускор ташкилотчиларига айландилар.

Мукаррам ИСРОИЛОВА,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар вакиллигининг раҳбари, халқ таълими аълочиси.

Дил изҳори

КЎНГЛИМ ЁРИШИБ ИШГА ҚАЙТДИМ

Касаба ташкилотимиз ҳамиша одамларга ғамхўрлик кўрсатиб, оғир кунларда уларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Кейинги йилларда бундай бирдамликнинг қадри ошиб бораяпти.

Мен 40 йил электр энергетикаси соҳасида меҳнат қилдим. Шуни ҳисобга олиб, касаба қўмитаси яқинда менга «Турон» санаториясига бепул йўлланма берди. Сиҳатгоҳда дам олиб, соғлигимни тиклаб, кўнглим ёришиб, ишга қайтиб келдим. Минг раҳмат.

Эргаш Сиддиқов,
Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади ишчиси.

Бу мактубни касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши ижтимоий суғурта бўлимининг бошлиғи Маъсуда Ниёзова шундай шарҳлайди:

— Касаба уюшмаларида аъзоларни соғломлаштириш режали амалга оширилади. Ўтган йили вилоятимиз корхона, ташкилот ва муассасаларида ишлаётган 3049 киши санаторийлар, дам олиш уйларида соғломлаштирилди. Шу жумладан, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигида кўп йиллар самарали меҳнат қилган Эргашой Иброҳимова, Люся Глебова, Абдужалол Эргашев сингари меҳнат фахрийларидан 62 кишига «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника» санаторийларига йўлланмалар бепул берилди. Уруш ва меҳнат ногиронларидан бир гуруҳи ҳам мамлакатимиз санаторийларига бепул йўлланмалар олишди. Санаторий-профилакторийларда 7398, шу жумладан, 787 ишчи ва хизматчи бепул соғломлаштирилди.

(Материалларни касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ҳамда «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлашди).

Янгилик

ВИРУСГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

Парранда гриппи вирусининг тарқалиши жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солиб келаётган эди.

Касаллик пайдо бўлганидан буён эса, дунё олимлари уни бартараф этиш борасида тинимсиз изланиб келмоқда. Яқинда Буюк Британиянинг GlaxoSmithKline (GSK) фармацевтика компанияси вакиллари нафақат парранда, балки инсон ҳаёти учун ҳам хавфли бўлган H5N1 вирусига

қарши вакцина ишлаб чиқилганини маълум қилди.

Вакцина Бельгияда синовдан ўтказилди. GlaxoSmithKline компанияси вакилларининг фикрича, вакцинани қўллашда унинг қабул қилиш миқдорига эътибор бериш жуда ҳам муҳим.

Компания раҳбарияти H5N1 вирусига қарши вакцинани оммавий равишда ишлаб чиқариш, буюртма олиш ишларини 2007 йилдан бошлашини маълум қилди. Лекин кузатувчилар, ҳозирча топилган вакциналарнинг нечоғли фойдали эканлиги ҳақида аниқ гап айтишга эрта, деган фикрда.

Собир Раҳимов туманидаги 249-умумтаълим мактаби томонидан 2006 йилда Ахмедов Сардор Олим ўғли номига берилган U 2281584 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туманидаги 249-умумтаълим мактаби томонидан 2006 йилда Махкамов Сухроб Абдуқаҳҳор ўғли номига берилган U 2281569 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги 283-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Тўхтаев Шерзод Рустамджонович номига берилган O'R-D 011107 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл туманидаги 48-умумтаълим мактаби томонидан 1994 йилда Жумадиллаева Сайида Убайдуллаевна номига берилган А 454519 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театри

«ДРАМА АКТЁРИ»

мутахассислиги бўйича икки йиллик театр-студиясига 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдодли йигит ва қизларни бепул ўқишга қабул қилади.

Битирувчиларга сертификат берилади ва энг яхшилари театрда иш билан таъминланади.

Сизни 2006 йил 10-20 август кунлари соат 11.00 да театр биносида кутамиз.

Учрашувга паспорт (нусхаси), 2 та 3 x 4 фотосурат ва ариза билан келиш керак.

Манзил: Абдулла Қодирий кўчаси, 13.

Телефонлар: 144-75-94, 144-75-98, 144-86-17.

Веб сайт: www.tuz.netfirms.com **Email:** osalimov@yandex.ru

Бекобод шаҳри:

ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧДИ

Мустақилликнинг 15 йиллигига

4. УМИД ЮЛДУЗЛАРИ ЧАРАҚЛАЙВЕРАДИ

Бекобод — нафақат йирик саноат шаҳри, балки кенг кўламда ривожланган маънавият-маданият маркази ҳамдир. Хусусан, кейинги йилларда ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг изчиллик касб этиб, узлуксиз давом этаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бунинг пировард натижаси маънавий муҳитнинг барқарорлиги, баркамол авлод тарбияси, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси каби кўплаб муҳим жабҳаларда бўй кўрсатаётгани қувонарлидир.

СУРАТЛАРДА: *шаҳар марказий шифохонаси жарроҳлари навбатдаги операция вақтида; болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби мураббийи, республикада хизмат кўрсатган спорт устаси Ирина Ғаниева ҳар бир машғулотга масъулият билан ёндошади.*

Шаҳарда бўлган кишининг диққат-эътиборини ҳеч шубҳасиз, унинг кўрки, файз-тароватига ўзгача чирой бағишлаб турган ижтимоий иншоотлар, айтайлик, маданият ва спорт мажмуалари, шифохоналар, ўқув-тарбия муассасаларининг бетакрор қиёфаси ўзига жалб этади. Шоир «Бунда ёшлар топади камол» деганидек, бугун шаҳардаги таълим-тарбия, илму маърифат масканларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, таълим сифатини ошириш, ўқитиш жараёнларига замонавий, интерфаол услубларни жорий этишга ғоят устувор вазифа сифатида қараралаётир. Бу ҳақда шаҳар халқ таълими бўлими мудири Абдуллажон Исматов шундай дейди:

— Дарҳақиқат, ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб вояга етказишга давлатимиз, бевосита ғамхўрлик қилаяпти. Бугун шаҳримизда 16 та умумтаълим ва битта ёрдамчи мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатаётир. Соҳадаги туб ўзгаришлар туфайли уларнинг барчаси таълим талабларига мос даражага келтирилди. Чунончи, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури»га мувофиқ, барча таълим муассасаларимизда капитал реконструкция ва тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилди. Айни вақтда уларни замонавий жиҳозлаш ва ўқув инвентарлари билан таъминлаш ишлари ниҳояланмоқда. Эндиликда 1- ва 13-мактаб ўқувчиларига мўъжазгина спорт зали, ҳамда шинам ошхона хизмат кўрсатади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигида ёшларимиз мутлақо қулай ва барча шароитларга эга масканларда ўқишни давом эттирадилар. Бу ишларга «Ўзметкомбинат» бирлашмаси жуда катта кўламда ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда.

Буни қарангки, узоқни кўзловчи таълим ислоҳотлари ҳозирданоқ ўз самараларини бера бошлади. Шаҳардаги 3-,5-,7-,9- ҳамда 16-мактаб ўқувчилари аньанавий тарзда ўтказиб келинаётган фан олимпиадаларининг шаҳар, вилоят босқичларида ғолиб, республика босқичида эса совриндор бўлиб қайтмоқдалар. Бунда тизимда меҳнат қилаётган Л.Чашина, Р.Нуриддинова, И.Исматова, А.Исроилов, А.Қосимов, А.Одилова, Н.Умрқулова, Н.Загидулина, О.Саидазимова каби ўнлаб мураббийлар меҳнати, изланишлари катта бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Ёшлар тарбияси ҳақида гап борар экан, уларнинг жисмонан бақувват, соғлом бўлиб ўсишларини таъминлашга қаратилган мақсадли вазифалар хусусида ҳам тўхталиш ўринлидир. Бугун шаҳарда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг истиқболли дастурлари амалга киритилган. 165 та спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолият юритаётир. Уларда спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, теннис, сузиш, эшкак эшиш, байдарка, енгил ва оғир атлетика, бокс, кураш каби йигирмадан ортиқ турлари бўйича мукаммал шуғулланиш ва маҳорат ошириш имкониятлари мавжуд. Йил бошидан бери шаҳарда элликка яқин йирик, нуфузли мусобақалар ташкил этилгани, уларнинг бир қанчаси халқаро миқёсда эканлигининг ўзиёқ, бу ерда спорт масаласи ҳамиша кун тартибида турганлигини англатади.

Айтиш жоизки, спортнинг эшкак эшиш ва байдарка йўналишининг республикада кенг ривожланишида бекободлик спортчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Шаҳардаги 2-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби айнан шу йўналишга ихтисослашган бўлиб, вилоятимизда ягона ҳисобланади.

Шунингдек, мустақиллик бераётган имкониятлар самараси ўлароқ, шаҳарда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимида ҳам беқиёс ўзгаришлар юз бераётир. Мавжуд 7 та шифохона ва 7 та поликлиникада мингга яқин малакали тиббиёт ходимлари инсонлар саломатлигини тиклаш ва яхшилашда камарбаста бўлмоқдалар. Уларнинг касб малакаларини ошириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, тармоққа илғор тажрибалар ва замонавий услубларни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилаётир. Хусусан, кейинги йилларда марказий шифохона қошида махсус дорихонанинг ташкил этилгани, 30 хилдан ортиқ бирламчи ва зарурий дори-дармонларнинг шу ернинг ўзида тайёрлаш имконини бераяпти. Болалар шифохонаси эса тубдан таъмирланиб, замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Бундай ўзгаришларни марказий шифохонанинг акушерлик мажмуаси, тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими, тери-таносил касалликлари ҳамда силга қарши курашиш диспансерлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Хуллас, бугунги Бекобод, унга Истиқлол инъом этган имкониятлар хусусида бетўхтов ҳикоя қилиш, тақдиридан мамнун шаҳарликларнинг ўй-хаёллари, орзу-умидлари, мақсад-муддаолари ҳақида истаганча сўзлаш мумкин. Ютуқлар бисёр ва улар ўзимизники. Бинобарин, бугунимиз кечаги кундан яхши, эртамиз эса бугунимиздан зиёда бўлиши шубҳасиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
Даврон АҲМАД (суратлар),
«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

Болалар спорти

ШОҲСУПАГА ЙЎЛ ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг соғлом турмуш тарзига интилишини кучайтириш учун аввало, болалар спортининг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш лозим бўлади, албатта. Шу мақсадда Чиноз туманидаги 2005 йил фойдаланишга топширилган 6- ҳамда 26-умумтаълим мактабларига 15 миллион сўмлик спорт анжомлари олиб берилган эди.

Хўш, ҳозир бу анжомлардан болалар фойдаланишяптими ёки улар спорт заллари омборхоналарида қолиб кетаяптими? Шу саволга жавоб топиш мақсадида мазкур ўқув муассасаларида бўлдик.

Дастлаб 26-мактабни сиртдан кузата туриб, шундай салобатли ўқув даргоҳларини барпо этиш мумкин экан-ку, дея қувондик. Бино ичига кирганимизда иншоотнинг замонавий услубда қурилганидан ҳайратимиз янада ошди.

— Спорт залимиз талабга тўла жавоб беради, — дейди мактаб директори Анвар Маҳмудов. — 100 нафардан зиёд ёшларни спортнинг турли йўналишларига жалб этганмиз. Машғулотлар асосан тушдан сўнг олиб борилади. Айниқса, волейбол, баскетбол, футбол, теннис ва шашка каби оммавий спорт турлари бўйича ташкил этилган тўгаракларга талаб кучли бўлиб, доимо спортсеварлар билан гавжум. Болаларнинг ўзлари ташаббус билан чиқиб, машғулотлар вақтини узайтиришимизни сўраб келишгани жуда қувонарлидир.

Директор ўз мулоҳазаларини баён қила туриб, бизни йўлак бўйлаб янги таъмирдан чиққан залга бошлади. 32 хилдаги спорт анжомлари бор экан. Тўғри, уларнинг баъзилари ҳали ўрнатилмаган. Лекин аксарияти болалар хизматида.

— Тўгараклар жадвалини ишлаб чиққанмиз, — дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Юсуф Алимов. — Мунтазам олиб борилаётган машғулотларда нафақат мактабимиз, балки, атрофимиздаги бошқа мактаб ўқувчилари ҳам қатнашаётир. Улар яратилган имкониятлардан мамнун.

Бироқ кийиниш ва ювиниш хоналарини кўздан кечирганимизда айрим нуқсонларнинг гувоҳи бўлдик. Масалан, ювиниш хонасида канализация масаласи чатоқ экан. Сув тошиб кетавериши оқибатида сув жўмракларини олиб ташлашибди.

Фикримизча, жўмракларни олиб ташлаш ўрнига қатъий тартиб ўрнатиб, бирор киши шунга масъул қилиб қўйилса, айни муддао бўларди. Ечими оддий масалани муаммога айлантириш шартми?

— 6-мактаб чекка ҳудудда жойлашганига қарамай, туманда болалар спортини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётир, — дейди болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлимининг вакили Исомиддин Мўминов. — Бу ерда 32 хилдаги жиҳозларга эга замонавий ёпиқ спорт зали, кийиниш ва ювиниш, тренажёр хоналари, волейбол, баскетбол, футбол майдончалари, югуриш йўлкалари ёшлар ихтиёрига топширилган. Мажмуа қошидаги турли тўгараклар доимо болалар билан гавжум. Фурсатдан фойдаланиб, навбатдаги машқларга тайёргарлик кўраётганлардан бирини суҳбатга тортдик.

— Бир неча йиллардан бери шахмат тўгарагига қатнашиб келмоқдаман, — деди ўзини Муҳиддин Аҳмедов деб таништирган ўқувчи. — Аввалари махсус асбоб-анжомлар йўқлиги боис шуғулланишимиз анча қийин кечарди. Ҳозир эса барча шарт-шароитлар яратилган, имкониятлар етарли. Шу сабабдан бўлса керак апрель ойида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари вилоят босқичида шахмат бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим.

Шу йил Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежида вилоятимизнинг умумтаълим мактабларида таҳсил олиб, спорт билан мунтазам шуғулланувчи ўқувчиларга 20,2 миллион сўмлик 220 комплект спорт кийимлари топширилган эди. Уларнинг сафида Муҳиддин ҳам бор экан.

Хуллас, чинозлик мутасаддилардаги ҳозирги жонбозлик сўнмаса, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолинмаса, спортнинг изчил ривожланиб бориши, мусобақаларда эришилаётган ютуқлар янада қўпайиши муқаррар. Бу мақсадга яна бир йўл — болалар ихтиёрига топширилган оддийгина футбол тўпи ёки шахмат тахтасига нисбатан жиддий эътибордан бошланади.

Отабек ЭЛТОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ҳаёт сабоқлари

БЕГОНА

Гулчеҳра бир оиланинг бахтли бекаси эди. Ҳакимжон билан севишиб бир ёстиққа бош қўйишганди. Фақатгина битта ўғил кўришди, холос.

Гулчеҳра Дилшоджонни еру кўкка ишонмай катта қилди. Ўғли саккиз ёшга кирганида уларнинг турмуши бузилди. Бунда Гулчеҳранинг ўзи айбдор.

Янги йил байрами арафасида ҳамкасби Давронбек билан бирга иш юзасидан шаҳарга борадиган бўлишди. Гулчеҳра ўзи билан бирга жондан азиз бўлган ўғлини ҳам олиб кетди. Давронбекнинг машинасида шаҳарнинг сўлим жойларидан ўрин олган каттагина меҳмонхонага кириб боришди. Ресторанда овқатланишди. Сўнг ўғлини кўчада қолдириб, «Биз тезда қайтамиз», — дея бир хонага кириб кетишди.

Бир оздан сўнг Ҳакимжон машинада ўтиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, ўғли Дилшоджон меҳмонхона эшигида бир ўзи ўтирарди.

«Ойинг қани?» дея берган саволига ўғлининг йиғлаб-йиғлаб берган жавобидан воқеани тушунди. Сўнг Дилшоджонни машинасига ўтқазиб орқасига қайтди.

Ўғлини излай-излай қоронғу тушганда уйда пайдо бўлган Гулчеҳрани эри уйдан ҳайдаб юборди.

Орадан йиллар ўтди. Она ўз ўғлининг дийдорини кўришга зор бўлди. Эсини анча таниб қолган ўғил онасини ёддан чиқара бошлаганди. Шу боис, у билан кўришишни истамасди. Гулчеҳра эса, фарзанди билан гаплашиш учун ҳар куни у ўқийдиган мактаб эшиги олдида пойларди. Учратиб қолгудек бўлса ҳам, ўғил онасига қайрилиб қарамасди.

Дилшоджон вояга етди. Мактабни тугаллаб, шаҳарга ўқишга отланди. Гулчеҳра эса: «Ўғлим энди мустақил ҳаётга қадам қўйди. Турмушнинг пастбаландини тушуна бошлади. Менга ўнг қараб, ёнимга қайтар», деган умид билан институтга излаб борди. Ўғли бир сўзли, қайсар чиқиб қолди. У онаси билан гаплашишни истамасди.

Йиллар ўтиб, Дилшоджон ишга жойлашди. Гулчеҳра энди ҳар куни эрта билан ўғли ишлайдиган ишхонага борарди. Ҳар сафар ҳам унинг умидлари чилпарчин бўлиб орқасига қайтарди. У ўзича зор йиғларди: «Наҳотки ўзим туғиб, оқ сут бериб катта қилган фарзандим шунчалик бемеҳр бўлса?»

Гулчеҳранинг ичида олов ёнади. Кўнглида эса ҳавасми, ҳасадми — шунга ўхшаш туйғулар жунбишга келаверади: «Фарзандимга бегона бир аёл — ўзим билан бир синф, бир партада ўқиб, сирдош бўлган аёл оналик қилмоқда. Ўғлим ҳам унга ўз фарзандларидан кўра янада яқинроқ, янада меҳрибон. Нима учун шундай бўлди? Балки, менинг ёшликда йўл қўйган катта хатоларим учундир. Бир лаҳзалик ҳою ҳавас деб умрбод шундай эзилиб ўтсам. Кўзим энди очилди, жуда кеч очилди. Наҳотки, жигарбандим нолаларимни эшитмаса?»

Лутфиниса ОДИЛОВА.

Шундан кейин

ОШҚОЗОНДАГИ САРАТОН БОИСИ

Қайта ишланган гўшт маҳсулотлари, хусусан, бекон, сосиска, колбаса ва ветчина истеъмол қилиш ошқозон саратони хасталигига дучор бўлиш хавфини кучайтираркан.

Овқатланиш билан боғлиқ касалликлар келиб чиқишини тадқиқ этган Каролина институти олимлари шундай хулосага келдилар. Кундалик егуликлар ичида осон ҳазм бўладиганларига не етсин!

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Икки боланинг онаси бўлмиш аёл, олмахон ҳамласидан сўнг шифохонага тушиб қолди.

Аёл ўғли ва қизига жаҳжи ҳайвонни кўрсатиш учун олмахон томонга бармоғи билан ишора қилди. Буни пайқаган жонивор бир сакраб, британиялик хоним ўғлининг бошида муаллақ турганча, унинг яна нималар қилмоқчи эканлигини кузатмоқчидек тикилиб қолди. Аёл олмахонни чўчитиб, ҳайдамоқчи бўлганди, думдор мўъжаз маҳлуқ унинг қўлини тишлаб, ўзини ҳимоя қила бошлади...

Жон аччиғида ҳар қандай жонзот ҳам йиртқичга айланади, деб шуни айтишса керак.

ЁМОННИНГ БИР ЯХШИСИ

Электр қуввати бор нарсаларга тегиш хавфли, деган тушунча ҳар бир инсон онгида мавжуд.

Лекин олимлар электр токининг таъсири теридаги жароҳатларнинг тезроқ битишига кўмаклашади, деб ҳисобламоқдалар. Танадаги электр майдонлари ва токлар тўқималар яхлитлигини тиклашда муҳим аҳамият касб этар экан.

Нима ҳам дердик: «Ҳар ёмон нарсанинг бир яхши томони бор», дейдиларку...

Қилмиш-қидирмиш

«ТАДБИРКОР»ЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда деҳқонларнинг мушкулини осон қилиш, экинларга ишлов беришда нефть маҳсулотлари ҳамда маҳаллий ва минерал ўғитларга бўлган талабни тўла қондиришга ҳаракат қилинмоқда. Бироқ, айрим кимсаларнинг ғаразли мақсадлари туфайли уларни талон-торож қилиш, қонунга хилоф равишда сақлаш, республикамиз ҳудудидан четга олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари учраб турибди.

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан бу каби қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жойларда рейдлар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар давомида йил бошидан шу кунга қадар нефть маҳсулотларини ноқонуний сақлаш ва четга олиб чиқишга уриниш бўйича 41 та ҳолат аниқланди. Жумладан, Бекобод туманида фуқаро Н. Болдабой ўз автомашинасида 5 минг 300 литр бензин ёқилғисини қўшни Тожикистон Республикасига сотиш учун олиб кетаётганида вилоят ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди. Ўртачирчиқлик Ш. Тўхтаназар ва Д. Тўхтаниёз ҳам 7 минг литр бензин ёқилғисини Тожикистон Республикасига сотиш учун кетаётганида ушланди.

Бекобод туманидаги «Ойбек» чегара постида бекободлик М. Маматқул бошқарувидаги «ВАЗ-2101» русумли автомашина текширилганда, юкхонасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз 115 литр солярка ёқилғисини сотиш учун қўшни республикага олиб кетаётгани аниқланди. Бекобод тумани «Турон» фермерлар уюшмасида яшовчи Н. Турсунбой ҳам ҳеч қандай ҳужжатларсиз 670 литр соляркани сотиш учун сақлаётган экан. Шу куни Пскент тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида эса, Қирққизободда яшовчи Р. Боймурод олмаликлик К. Қодирга тегишли бўлган минг литр солярка ёқилғисини сотиш учун сақлаётгани аниқланди. Ҳозир ушбу ҳолатлар бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда минерал ўғитларнинг ҳам ўрни қай даражада муҳимлиги ҳаммага аён. Бироқ, уларни ўз вақтида экинларга бермасдан, сотиб пул қилишни ўйлаётган айрим «тадбиркор»лар туфайли экинлар керакли озуқани ололмаётир. Чиноз туманида ўтказилган тадбир давомида фуқаро М. Ҳолиқул 3 тонна селитрани қонунга хилоф равишда 480 минг сўмга сотаётганида ушланди.

Йил бошидан шу кунга қадар минерал ўғитларни талон-торож қилиш ва хонадонларда ноқонуний сақлашга доир 64 та ҳолат қайд этилди. Шундан 6 таси бўйича жиноят иши қўзғатилди. Қонунбузарлардан 18 миллион 510 минг 513 сўмлик минерал ўғитлар олиб қўйилди.

Зангиота туманида ўтказилган тадбирда фермер А. Эргашнинг уйи гумонланиб текширилганида, дарвозахона ҳамда ертўлада «Кучлик» омборхонасидан фермер хўжалигида ишлатиш учун олинган 393 та қопда 19650 кг, умумий нархи 2 миллион 358 минг сўм бўлган аммиакли селитра минерал ўғити ноқонуний сақланаётган экан.

Ўртачирчиқ тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир жараёнида «Гулбаҳор» ширкат хўжалиги ишчиси Т. Шарофиддин экинга берилиши керак бўлган 2 миллион 400 минг сўмлик, 240 қопдаги жами 12 тонна аммиакли селитрани, трактори носоз бўлганлиги боис «Гулбаҳор» ширкат хўжалиги омборида ноқонуний сақлаётгани маълум бўлди.

Шу туманлик фермерлар А. Мусахон ва А. Атахон ҳам далага сепилиши керак бўлган умумий нархи 1 миллион 200 минг сўм бўлган 2 минг 800 килограмм ва иккинчисининг ҳовлисида 64 та қопда умумий нархи 640 минг сўм бўлган 3 минг 200 килограмм аммиакли селитра минерал ўғитини ноқонуний равишда сақлаётганлиги аниқланди.

Афсуски, қонунбузарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари томонидан ушланиб, тегишли жазога тортилаётганига қарамай, ҳамон ёқилғи-мойлаш ва минерал ўғитларни талон-торож қилиш ҳоллари учраб турибди. Шу боис бу каби жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар давом эттирилмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

Тошкент вилояти дезинфекция станцияси жамоаси станция ходими Лилия Шаймухаметовага падари бузруквори **Шевкет СУЛЕЙМАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 3483. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5